

## “ТАБИЙ ЯЙЛОВЛАР ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ МОНИТОРИНГИНИ ЮРИТИШДА МОНИТОРИНГ ПУНКТЛАРИНИ ТАНЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ”



**Хожиев Кучкор Мамадиёрович**

“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ

Бўлим бошлиғи, қ.х.ф.ф.д (PhD),



**Абдуллаев Низомаддин Базарбаевич**

“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ

Бўлим бошлиғи

**Аннотация.** Мақолада аналитик таҳлил ва монографик тадқиқот усулларига суюнган ҳолда табиий яйловлар ўсимликларининг мониторингини юритишида унинг натижалари аниқлиги ва ҳаққонийлиги ўта муҳимлиги, шунингдек, табиий яйловлар ўсимликларининг мониторинги ишларини маъмурий-худудий бирликлар бўйича яйлов гурухлари кесимида тўлиқ юритиши тизимини ташкил этиш қўрсатиб ўтилган. *Хусусан*, табиий яйловлар ўсимликларининг мониторинги ишларини мониторинг пунктларини танлаш усули билан амалга оширишнинг афзалликлари юзасидан амалий тақлифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Табиий яйлов ўсимликлари, мониторинг пункти, мониторинг майдончаси, трансект, ўриш майдончаси, туплар моделларини қайд этиш карточкаси, яйлов гуруҳи.

**Кириш.** Чорвачилик-Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Маълумки чорвачиликнинг асосий озуқа базаларидан бири табиий яйловлар ўсимликларидир. Олиб борилган изланиш ва таҳлилларга кўра Республикаизда жами 21,1 млн. гектар табиий яйловлар (46,5%) мавжуд бўлиб, охирги 35-40 йил давомида яйлов ўсимликлари сони ва ҳажми камайиб кетаётганлигини кузатиш мумкин. Сўнги йилларда олиб борилган геоботаник тадқиқотлар натижасида 5,7 млн. гектар яйловларнинг 10,8 фоизи турли даражада деградацияга учраганлиги илмий асосланган.

Республикамизда тоғ, тоғолди ва чўл яйловлари ўсимликларининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш, деградация жараёнларининг олдини олиш, маҳсулдорлигини ошириш, яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Шу сабабли Республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда тоғолди ва чўл яйловларида мониторинг тадқиқотларини юритиш, хусусан, табиий яйловлар тўғрисидаги миқдорий ва сифатга доир маълумотлар ҳакида ахборот тўплаш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ва прогноз қилиш, салбий жараёнларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида табиий яйловлар ўсимликларининг ҳолати, табиий яйловлардан фойдаланиш натижасида юзага келаётган ўзгаришлар юзасидан мунтазам кузатувлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, табиий яйловлар ўсимликларининг мониторингини юритиш юзасидан ҳукumat даражасида норматив-ҳукуқий ҳужжатларнинг қабул қилинмаганлиги табиий яйловлар ўсимликларининг ҳолатини кузатиш тизимини яратиш ҳамда яйловлардан самарали фойдаланиш ва уларнинг муҳофазасини таъминлаш сифатини ошириш масалалари долзарблигича қолмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Яйловлардан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасида ҳукуматимиз томонидан бир қатор чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Яйловлар тўғрисида”ги ва “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон Фармони, 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳакида”ги 496-сон, 2019 йил 24 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 737-сон ҳамда 2022 йил 14 январдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳукуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 22-сон қарорларида айнан табиий яйловлар ўсимликларининг мониторингини юритишга қаратилган вазифалар белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, табиий яйловларда миқдорий ва сифатга доир маълумотлар ҳакида ахборот тўплаш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ва прогноз қилиш, салбий жараёнларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича амалда тегишли тизимнинг мавжуд эмаслиги табиий яйловлар ўсимликларининг

ҳолатини кузатиш, табиий яйловлардан фойдаланиш соҳасида бир қатор муаммоларни вужудга келтирмоқда.

**Таҳлил ва натижалар.** Табиий яйловларда миқдорий ва сифатга доир маълумотлар ҳақида ахборот тўплаш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ва прогноз қилиш, салбий жараёнларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида табиий яйловлар ўсимликларининг ҳолати, табиий яйловлардан фойдаланиш натижасида вужудга келаётган ўзгаришлар юзасидан табиий яйловлар ўсимликларининг мониторинги ишларини мониторинг пунктларини танлаш усули билан амалга ошириш бир қатор афзалликларга эга.

Мониторинг пункти деганда яйлов ўсимликларида муайян ўлчамдаги мониторинг ўтказиш учун танланган майдонлар тушунилади. Табиий яйловлар ўсимликларининг мониторинги ишларини мониторинг пунктларини танлаш усули билан амалга оширишда яйлов ўсимликларининг ҳолатини аниқлаш, яйловлардан фойдаланиш натижасида юзага келадиган ўзгаришлар, яйловларнинг миқдори ва сифати бўйича маълумотларни тўплаш, уларнинг ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилишда салбий жараёнларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган кузатиш тизими йўлга қўйилиши билан бирга мониторинг ўтказишга кетадиган вақт тежалиши, шунингдек, мониторинг ўтказиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар камайига олиб келиши билан ажралиб туради.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида табиий яйловлар ўсимликларининг мониторингини ташкил этишда мониторинг пунктларини танлаш яйловлар ҳолатини кузатишда ҳамда яйловлардан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

**Хуроса.** Юқоридагилардан келиб чиқган ҳолда ҳамда мамлакатда табиий яйловлар ўсимликларининг мавжуд ҳолатини тадқиқ қилиш асосида қайд қилиш зарурки, табиий яйловлар ўсимликларининг мониторингини юритиш бўйича янги тизим ишлаб чиқишни тақозо этади.

Табиий яйловлар ўсимликлари мониторинг ишларини олиб боришида қўйидагича мониторинг пунктларини ташкил этиш таклиф этилади:

- тоғ ва тоғ олди (адир) яйловлари учун – ҳар  $5\ 000\text{-}10\ 000$  гектар майдонга битта мониторинг пункти ўрнатилади ва ўлчамлари  $1\ 000\times1\ 000$  метрни;

- чўл минтақаси яйловлари учун – ҳар  $50\ 000\text{-}100\ 000$  гектар майдонга битта мониторинг пункти ўрнатилади ва ўлчамлари  $2\ 000\times2\ 000$  метрни;

Устюрт платоси ҳамда Қизилқум чўлининг айrim ҳудудидаги яйловлари учун истисно тариқасида – ҳар  $100\ 000\text{-}200\ 000$  гектар майдонга битта мониторинг пункти ўрнатилади ва ўлчамлари  $4\ 000\times4\ 000$  метрни ташкил этади.

Айрим яхлит бўлмаган кичик участкалардан ташкил топган яйловларда кичик ўлчамдаги мониторинг пунктлари ўрнатилиши тавсия этилади.

Бунинг учун мониторинг пунктлари ичида ўлчов ўтказиладиган мониторинг майдончалари танлаб олинади. Шунингдек, геоботаник тадқиқотлар асосида ўсимликларни тавсифлаш, йирик ўсимликлар учун трансект, майда ўтлар учун ўриш майдончаси ҳамда туплар моделларини қайд этиш карточкаси каби қайдномалар шакллантирилади.

Хосилдорликни аниқлаш трансект ва ўрим майдончалари методи бўйича бажарилади. Қоплам қалинлигига фарқланиш рельефга боғлиқ бўлмаган, ўсимлик қоплами таркиби бўйича ўхшаш бўлган текис ва паст қияликли ҳудудларда  $2 \times 25$  м ёки  $4 \times 25$  м ўлчамли трансекталар ўрнатилади. Текислик рельефининг турли элементларида тур таркиби бир хил бўлган ўсимлик қоплами қалинлигидаги сезиларли ўзгаришлар вақтида ҳамда текис пастқам қумликларда трансекталар рельеф элементлари кўндаланги бўйича ўсимлик қопламидаги барча ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда ўрнатилади.

Бундай ҳолатларда трансекталар ўлчами: текисликларда  $4 \times 50$  м, қумларда  $4 \times 100$  м бўлади. Адир, тоғ ва яйловда рельефининг ҳар бир элементида трансекталар  $2 \times 25$  м ёки  $2 \times 50$  м бўлади.

Ўрим майдончалари трансекталарнинг у ёки бу томонида пайкал (дельянка) шаклида: чўл ва қуи адирада –  $0,5 \text{ m}^2$  да 10 қайтариқда, юқори адиради, тоғ ва яйловда эса ҳар бири  $0,5 \times 2$  метрдан 5 қайтариқда олинади.

Қопламда йирик ўсимликлар мавжуд бўлмаган ҳолларда трансекталар ўрнатилмайди, ҳосилдорлик қайди эса, ўсимликларни ҳар бири  $0,5 \text{ m}^2$  ўлчамли ўнлаб ўрим майдончаларида ўриш йўли билан олиб борилади. Бундай ҳолларда ўрим майдончалари ҳар бири 5 метрдан бўлган тўғри чизиқ бўйича ўрнатилади.

Танлаб олинган майдончада қайд учун жойни белгилагандан сўнг, трансектани ҳар тўртта томондан чегаралаш учун олдиндан тайёрлаб қўйилган ип билан тортиб чиқилади ва бурчакларда қозикчалар билан мустаҳкамланади. Бундай йўл билан ифодаланган трансектада барча йирик ўсимликлар тур ва синфлари бўйича ҳисобга олинади.

Кузатишлар мониторинг пунктларида қуидаги ҳосил параметрлари ўрганилади ва аниқланади:

- а) ўсимликларнинг умумий биомассаси ва унинг чорва моллари томонидан ейиладиган қисмларининг фоиз улуши;
- б) ўсимлик умумий биомассасида заарли, заҳарли ва чорва моллари томонидан ейилмайдиган ўсимликларнинг фоиз улуши;

в) ем-хашак оғирлигининг мавсумлар бўйича динамикаси (хўл ва қуруқ массани қуритиш ва тортиш).

Табиий яйловлар ўсимликларининг мавжуд ҳолатини кузатиб борища мониторинг ишларини мониторинг пунктларини танлаш усули билан амалга оширишнинг афзалиги мониторинг ўтказишга кетадиган вақт тежалишига олиб келади.

Табиий яйловлар ўсимликларининг мониторинги ишларини мавжуд ҳужжатлар орқали таҳлил қилиш ҳамда соҳадаги амалий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда мониторинг юритишни маъмурӣ-худудий бирликлар бўйича яйлов гуруҳлари кесимида тўлиқ юритиш тизимини ташкил этиш юзасидан ҳукумат даражасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишини зарур деб ҳисоблаймиз:

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Яйлов тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 496-сон қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 737-сон қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 22-сон қарори.
10. “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан ишлаб чиқилган “Табиий яйловлар ўсимликларининг мониторингини юритиш ишларини амалга ошириш бўйича” Кўлланма.